

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 60-ҳадис

60 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَالَّذِي تَفْسِي بِيَدِهِ لَا تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ حَتَّى تُؤْمِنُوا، وَلَا تُؤْمِنُوا حَتَّى تَحَابُّوا، أَوْلَا أَدُلُّكُمْ عَلَى شَيْءٍ إِذَا فَعَلْتُمُوهُ تَحَابَبْتُمْ؟ أَفْشُوا السَّلَامَ بَيْنَكُمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Яна у кишидан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, иймон келтирмагунигизча жаннатга кира олмайсизлар. Ва бир-бирларингизга муҳаббат қилмагунигизча мўмин бўлмайсизлар. Бир-бирингиз билан дўст бўладиган амалга сизларни далолат қилайми? Ораларингизда саломни жорий қилинглар», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Ас-Салом- Аллоҳнинг гўзал исмларидан биридир. У исм қаерда зикр қилинса, ўша ерга барака тушиб, тинчлик ва осойишталик тарқалади ҳамда мусулмонлар ўртасида ўзаро муҳаббат ҳисси ортади. Расулulloҳ с.а.в. саҳобалар орасида саломни кўпайтиришга ундаганлар. Бу нарса ўзаро муҳаббат ва улфатга чорлайди. Расулulloҳ с.а.в.нинг яна бир суннатлари, таниган ва танимаганлар орасида саломни ёйишдир. Исломда жорий қилинган "Ассалому алайкум" деб айтилувчи саломга бошқа саломни алиштирилмайди. Чунки бу лафз жаннат аҳлининг саломидир.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Аллоҳ йўлидаги муҳаббат соғлом иймонни юзага келтириб, жаннатга кириш учун сабаб бўлади.
2. Мусулмонлар орасида саломни кўпайтириш ўзаро муҳаббатни юзага келтиради. Баъзилар айтганидек салом бериш қадрни туширмайди.
3. Расулulloҳ с.а.в.нинг саҳобалари йўлда бирга кетаётиб, дарахтни айланиб ўтишса ҳам бир-бирларига салом беришар эди.
4. Мусулмон киши таниган ва танимаганларга ҳам салом бераверади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI